

## Машхур боксчи Муҳаммад Алининг шифо топиши



09:00 / 24.06.2023 3377

Яқин ўтмишда Суриянинг бош муфтийси шайх Аҳмад Куфтару ҳазратлари Ислом оламида рўза билан даволаш борасида анча шуҳрат қозонган эдилар. Айниқса, машхур спортчи, асримиз бокс тарихининг афсонасига айланиб қолган жаҳон чемпиони Муҳаммад Алининг у кишининг ҳузурларида шифо топиши катта шов-шувларга сабаб бўлган. Альцгеймер касаллигига чалинган Муҳаммад Алининг шифо излаб бормаган жойи қолмаган эди. У ўзини даволатиш учун 30 миллион доллар сарфлаган, аммо бирор натижага эришмаган. Аллоҳ унга йигирма кунлик очликдан сўнг шифо берди.